УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата УзССР
9 АПР 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 82 (19.158). ● 1985 йил 7 апрель, якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишда, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги учун ва 60 йиллиги муносабати билан **Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 5 апрель.



ТОШКЕНТ. 1985 йил 6 апрель. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг республика комсомоли 60 йиллигига бағишланган тантанали пленуми.

В. МОЛГАЧЕВ ва С. МАҲКАМОВ фотоси.

Ўз ЛКСМ-60

ТУҒИЛГАН КУНИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ!

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи 60 ёшга тўлди. 6 апрель куни Тошкентда шу воқеага бағишлаб Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитетининг тантанали пленуми бўлди.

В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига саксонинчи йилларнинг комсомоллари билан бирга партия ветеранлари, дастлабки комсомоллар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, қардош республикалардан келган меҳмонлар тўпланишди.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан тантанали пленумнинг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевга сўз берилади.

Сизларнинг пленумингиз, дейди у, мамлакатда КПСС XXVII съездига, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига актив тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўтмоқда. Бу эса ҳамма ишларимиз ва ташаббусларимизга алоҳида сиёсий маъно бахш этади. Совет халқи Ленин партиясининг улуғ ишига астойдил садоқатини, унинг сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашини ўзининг фидокорона меҳнати билан намойиш қилмоқда. Партия — В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «Барча меҳнаткашларнинг устози, раҳбари, йўлбошчиси» бўла оладиган ҳақиқий авангард эканини халқимиз ўзининг бутун ҳаёт тажрибаси давомида билиб келмоқда.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон ёшлари, меҳнаткашлари ҳам КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар, КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари март Пленумининг ўртоқ М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлаш тўғрисидаги қарорини яқдиллик билан маъқулламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ўртага қўйган вазифаларининг миқёслари кенг, мақсадлари жуда юксакдир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун барча совет кишилари жамият бахт-саодати йўлида зўр ғайрат билан ижодий ишлашлари, виждонан меҳнат қилишлари керак бўлади. Бу гап партия ва халққа садоқат билан хизмат қилишга тайёрлигини ўз ишлари, салмоқли амалий натижалари билан тасдиқлаш лозим бўлган комсомолларга, ёшларга ҳам тааллуқли эканлиги табиий.

Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига, партия Марказий Комитети март Пленумининг кўрсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларига амал қилиб, меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини ва социал активлигини ҳар томонлама оширмоқда, талабчанликни кучайтирмоқда, интизомни мустаҳкамламоқда, кадрлар билан ишлашни яхшиламоқда.

Бу эса ўз самараларини бермоқда. Хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим соҳаларида ижобий натижаларга эришилди. Якунловчи йил ва умуман беш йиллик планлари ҳамда мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун кўп иш қилинмоқда. Ҳамиша бўлганидек, бу ишларга ажойиб ёшларимиз, улуғ Ленин номини ифтихор ва шараф билан оқлаётган республика комсомоли салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

ВЛКСМнинг бутун тарихи Владимир Ильич Ленин номи билан, унинг мангу барқарор таълимоти билан боғланган. Комсомол партиянинг фарзандидир, Советлар мамлакатининг жанговар ёшлигидир. Партия ўзининг ишончли, жанговар резерви бўлган комсомолни доимо меҳрибонлик билан тарбиялаб ўстирди, чиниқтирди.

Республика комсомолининг олтмиш йиллик йўлини Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг тарихидан ажратиб бўлмайди. Комсомол ўз камолотининг ҳамма босқичларида партия йўлидан борди, коллективлаштириш ва индустриялаш, социалистик жамият қуриш йилларида унинг актив ёрдамчиси бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида комсомоллар кўрсатган ватанпарварлик, мардлик, Ватанга бениҳоя садоқат намуналари халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Ўзбекистоннинг 220 минг комсомоли ёки республика комсомол ташкилотининг 65 проценти фронтга кетди. Ёш ватанпарварлар, фронтчиларнинг ўғил ва қизлари уруш йилларида ўз оталарининг ўрнини олдилар. Уруш даврининг қийин шароитларида, ёлчиб овқатланмаган ва тўйиб ухлай олмаган даврларда улар завод ва фабрикаларида, қурилиш ва пахтазорларда фидокорона меҳнат қилдилар, ғалаба учун мамлакат ичкарисида замин тайёрладилар. Кўчириб келтирилган минглаб оилаларни комсомоллар иссиқ бағриларига олдилар.

Ўзбекистон ёшлари урушдан кейинги йилларда ҳам фидокорлик ва меҳнат қаҳрамонлиги намунасини кўрсатдилар. Йигит ва қизлар янги саноат марказларини барпо этишда, Фарҳод ГЭСини, ноёб Бухоро — Урал, Ўрта Осиё — Марказ газ қувурларини қуришда, қўриқ ерларни ўзлаштиришда актив қатнашдилар.

В. И. Ленинниинг комсомол III съездида сўзлаган нутқида коммунизмни ўрганиш ҳақида ёшларга қилган тарихий васияти ҳозирги шароитда янада кўпроқ актуаллик касб этмоқда. Ёшларни коммунистик ғоявийлик, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ишончли ёрдамчиси ва бевосита жанговар резерви бўлиш — комсомол фаолиятининг олий маъносидир.

КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида Ленининг Коммунистик Ёшлар Союзининг роли тўғрисидаги таълимоти ривожланган социализмни такомиллаштириш даврида янада ижодий равишда ривожлантирилди. Мана шу муҳим умумпартиявий ҳужжатда хўжалик ва маданий қурилиш, янги инсонни тарбиялаб вояга етказишнинг барча соҳаларида ВЛКСМнинг ҳозирги шароитдаги фаолияти яхлит программаси баён этиб берилган.

Партия ўртага қўйган кенг миқёсли янги вазифалар комсомол комитетларидан иш услуби, форма ва методларини, бутун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришни, хўжалик ва давлат қурилишидаги роли ва масъулиятини оширишни, кадрларни ва активларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда тарбиялашни яхшилашни талаб қилади.

Ҳозир республика аҳолисининг кўп қисми ёшлардан иборат, халқ хўжалигида ишловчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ўзида 1 миллион 800 мингдан кўпроқ ВЛКСМ аъзоси меҳнат қилмоқда, 21 мингга яқин комсомол-ёшлар коллективи ишлаб турибди. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларидаги, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик, Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини бажариш учун курашда комсомолларнинг авангардлик роли йил сайин кучаймоқда.

«Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижодкорлиги — XI беш йилликка!» деган ватанпарварлик ҳаракатида 2,5 миллиондан зиёд ёш ишлаб чиқариш илғори қатнашмоқда. Қарийб икки минг комсомол-ёшлар коллективи, 139 минг йигит ва қиз беш йилликнинг тўрт йили планларини муддатидан илгари бажариб бўлди, 800 йигит ва қиз ўн биринчи беш йиллик планлари республика юбилейигача бажариб бўлинганлиги ҳақида рапорт берди.

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Бироқ эришилган натижа билан кифояланиб бўлмайди, қадам-бақадам, кун сайин олға бориш, тобора кўпроқ ва яхшироқ пировард натижаларга эришиш керак.

Республика партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажариш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистонда мамлакатнинг барча қардош республикалари ёрдамида барпо этилган зўр ишлаб чиқариш потенциалидан интенсив фойдаланиш борасида қилаётган катта ишларини сизлар яхши биласизлар ва бу ишларда ўзингиз ҳам актив қатнашаяпсизлар, албатта. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида кўп иш қилинди, ижобий силжишларга эришилди. Ўтакетган интизомсизлик, бўшашувчанликнинг ҳар қандай кўринишларига, партия, давлат, меҳнат интизомини бузиш ҳолларига, ҳар хил салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга қилинган ишларни сабот билан амалга ошириладиган катта ишларнинг бошланиши дебгина билмоқ керак. Аммо биринчи квартал якунларига кўра, республиканинг бир қанча корхоналари план ва мажбуриятларни бажармади, давлатга бир неча миллион сўмлик маҳсулот кам берилди. Бунга тоқат қилиб бўлмайди. Ҳали ҳам баъзи кишилар республикада тартиб ўрнатиш, вазиятни соғломлаштириш соҳасида кўрилаётган чораларни вақтинчалик ҳодиса, навбатдаги кампания деб ҳисобламоқдалар.

Бундай кишиларга қатъий ва равшан қилиб айтиш керак: ўтмишга қайтиш йўли йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил навбатдан ташқари март Пленумида таъкидлаб ўтганидек, партиянинг интизом, уюшқоқлик, тартибни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги йўли ўзгармас йўлдир. Республика партия ташкилоти меҳнаткашларнинг қизғин маъқуллашига ва актив мададига таяниб, бундан буён ҳам ҳамма соҳаларда турмушнинг ленинча нормаларини изчиллик билан қарор топтирабе ради, ривожланган социализмнинг олий талабларига мувофиқ иш тутаберади. Бу фаолиятда биз комсомолнинг иштирокига, сизларнинг ишингизга тўла-тўкис умид қиламиз.

Комсомол Марказий Комитети, область, шаҳар, район комитетлари, барча бошланғич комсомол ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми йўлидан бориб, ҳар бир иш жойида интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлашлари, йигит ва қизларнинг куч-ғайратларини ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашга, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга қаратишлари зарур.

Биз республика комсомолларини, барча йигит ва қизларини жамики янги ва илғор тажрибаларнинг ташаббускорлари бўлишга, ижодкорлик, ташаббускорлик, социалистик омилкорлик кўрсатишга, план ва социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишига эришишга чақирамиз. Улуғ Ленининг «Фақат ишчи ва деҳқонлар билан биргалиқдаги меҳнатдагина ҳақиқий коммунистлар бўлиш мумкин», деган васиятини шараф билан бажармоқ керак.

Республика комсомоли Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларининг қўриқ ерларини ўзлаштиришда кўпдан-кўп зарур ва фойдали ташаббусларни кўтариб чиқди. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларига жавобан юзлаб янги кўнгиллилар қалб амри билан ҳувиллаб ётган ерларни гуллаб-яшнаб турган воҳага айлантириш учун жўнаб кетдилар.

Айниқса, маҳаллий миллатлар вакиллари орасидан ишчилар синфининг ёш ўринбосарларини тарбиялаб вояга етказиш жуда катта снёсий ва социал аҳамиятга молик вазифадир. Ёшларни ишчилар синфига мансубликдан фахрланиш туйғуси руҳида сабот билан тарбиялаш, ишчи касбларининг обрў-эътиборини кўтариш лозим.

Бошлаб юборилган умумий таълим ва ҳунар-техника мактаби ислоҳоти бу жиҳатдан жуда катта имкониятлар очади. Модомики шундай экан, комсомол ташкилотлари ислоҳот ўртага қўйётган масалаларни ҳал этишга активроқ қўшилишлари керак.

Дала ва фермаларнинг меҳнатчилари олдида мураккаб вазифалар турибди. Биз қишлоқ хўжалиги илғорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида ҳаракатларимиз программасини белгилаб олдик. Бу программани бажаришда республика комсомоли, барча ёшлари муҳим ўрин олади. Пахтачиликни механизациялаш, маккажўхори дони етиштириш ишлари устидан оталиқ қилишга кўпроқ конкретлик бахш этиш зарур. Хуллас, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда комсомолларнинг ҳиссасини доимо кўпайтириш керак.

Республика комсомоли ёш авлодни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш соҳасида катта тажриба орттирган. Сиёсий маориф системаси, партия билан халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойлари бўйлаб ўтказиладиган юришлар, интернационал дўстлик клублари — мана шуларнинг ҳаммаси ёшларни юксак сиёсий ҳушёрлик, буржуа идеологиясига, душман пропагандасига нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашга, СССР халқларининг улуғ қардошлик оиласига мансубликдан фахрланиш туйғусини камол топтиришга актив кўмаклашади.

Ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан уйғун равишда вояга етказиш, оммавий физкультура ҳаракатини кенг авж олдириш, йигит-қизларни меҳнатга ва мудофаага тайёрлаш вазифаларини ҳал этишда ҳам комсомол муҳим роль ўйнайди.

Халқаро империализм, синфий душманларимиз совет ёшларига зарарли таъсир ўтказишга уринмоқда. Шу сабабли ёшларимизни коммунистик ғоявийлик, Ватанга садоқат руҳида бундан буён ҳам тарбиялайверши, ВЛКСМ Устави, коммунизм бинокорининг ахлоқ кодекси ҳар бир йигит-қизнинг ҳаёт ва феъл-атвор нормаси бўлиб қолишига эришиш зарур.

Ҳозирги вақтда, мамлакатимиз, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган бир пайтда бу ишни, айниқса, кучайтириш лозим. Комсомол тимуриллар ҳаракатини қайтадан тиклаши, ҳар бир уруш ветераниға меҳрибонлик ва эътибор кўрсатиши керак.

Ҳозирги халқаро вазиятнинг мураккаб шароитида потенциал душманимиз кўп миллатли Ватанимизнинг шон-шарафи ва озодлигига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига тажовуз қилган тақдирда муносиб равишда қақшатқич зарбага учрашини билиши керак. Аммо бунинг учун, Владимир Ильич Ленин айтганидек, «ҳарбий ишни чинакамигага ўрганиб олиш», ўзини меҳнатга ва мудофаага шайлаш керак.

Бу йил халқаро ёшлар йили, Ёшлар ва студентларнинг Москвадаги XII жаҳон фестивали йилидир. Бу эса тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда Ленин комсомолининг фаолиятини кучайтириш учун яхши шарт-шароит яратади. Ватанимизнинг тинчлик сўзи, социализм тўғрисидаги ҳақиқат чет эллардаги ҳар бир йигит ва қизга етиб борадиган бўлиши, уларни халқлар тинчлиги, социал тараққиёти ва дўстлиги йўлидаги ҳаракатда фаол қатнашишга руҳлантириши лозим.

Ўзбекистон комсомоли ўзининг Ленин партияси ишига садоқатини, кекса авлодларнинг қаҳрамонона анъаналарига содиқлигини меҳнатдаги ва ўқишдаги илҳомбахш муваффақиятлари билан тасдиқламоқда. Республика партия ташкилоти коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда комсомолнинг ролини ошириш ҳақида аввалгидек доимо ғамхўрлик қилаверади.

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишда актив иштирок этганлиги учун ҳамда олтмиш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди. И. Б. Усмонхўжаев шу мукофотни топширди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов республика комсомолининг олтмиш йиллигига бағишлаб доклад қилди. У Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг табрикномаси, республика комсомол ташкилоти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлиги тантанали пленум қатнашчиларига зўр таассурот қолдирганлигини тўғрисида гапиради.

Ўртоқ Алламуродов республика комсомолларининг катта отряди партия билан комсомолнинг шонли анъаналарини бундан буён ҳам муқаддас билиб асраб, кўпайтираверадилар, ўзларининг бутун кучи, билими ва ғайратшижоатини жамиятимизнинг социал ва иқтисодий тараққиётига, улуғ Ватанимизнинг қудратини кучайтиришга ва мудофаа қобилиятини оширишга бағишлайверадилар, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оладилар, деб республика комсомоллари, барча йигит ва қизлари номидан КПСС Марказий Комитетига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ваъда беради.

Тантанали пленумда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. В. Андрианов нутқ сўзлади. У республика комсомолларини шонли олтмиш йиллик билан қутлади, Ўзбекистон комсомоллари ва ёшларига социалистик Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда ва ўқишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Пленумда сўзга чиққан делегацияларнинг раҳбарлари: ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари А. О. Перфильев, Ленинград область комсомол комитетининг иккинчи секретари С. Е. Романов, Иваново область комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Л. Вислова, Қозоғистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Абдраҳманов, Қирғизистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари О. А. Абдикаликов, Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. М. Султонов, Туркманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. К. Чориева республика комсомол ташкилотига қизғин қутловлар топширишди.

Комсомол ветеранлари номидан дастлабки комсомолларнинг ишлаб чиқариш ёш илғорларига мурожаатномаси топширилди. Мурожаатномада ҳозирги авлод сотсет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини муқаддас билиб асраш ҳамда кўпайтиришга даъват этилган.

Йиғилиш аҳли республика шонли пионерлари вакилларининг, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жангчиларининг табрикномаларини самимий кутиб олди.

Пленум қатнашчилари республика комсомолининг 60 йиллиги номидаги кўнгиллилар отрядига зарбдорларча меҳнат қилиш учун оқ йўл тилаб қолдилар. Бу отряд тўппа-тўғри пленумдан Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё областларидаги қўриқ районларини ўзлаштиришга, Новгород областига жўнаб кетди. Пленум арафасида эса 320 нафар йигит ва қиз комсомол йўлланмалари билан Ноқоратупроқ зонаии ўзлаштиришга, «Атоммаш», Череповецдаги «Аммофос» заводи қурилишига йўл олган эдилар.

Пленум КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома йўллади.

Тантанали пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Социалистик Эфиопия Муваққат Ҳарбий Маъмурий Кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариамга телеграмма йўллаб, унда бутун Эфиопия халқини Ғалаба куни байрами билан сидқидилдан қутладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

«Совет кишилари эфиоп халқининг қаҳрамонлиги ва мардлигига қойил қолаётганликларини изҳор этмоқдалар, эфиоп халқи ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиб қолиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Эрксевар ва тараққийпарвар инсоният яқинда ана шу Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлайди.

Эфиопия меҳнаткашлари ҳозир ҳам шонли жанговар анъаналарга таяниб, ўз авангарди — Эфиопия Ишчи партияси бошчилигида халқаро империализм ва реакциянинг кирдикорларига фидокорона қаршилик кўрсатмоқдалар. Сизларга бу курашда муваффақиятлар тилаймиз, биз ана шу кураш билан батамом бирдаммиз».

Телеграммада Совет-Эфиопия алоқалари мамлакатларимизнинг манфаатлари йўлида, ялпи тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади, деб ишонч билдирилган.

(ТАСС).

Суҳбат бўлиб ўтди

5 апрель куни КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Эрон ташқи ишлар министрининг ўринбосари Х. Козимпур-Ардабили бошчилигида Москвага келган Эрон делегациясини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Совет Эрон муносабатларига оид масалалар ҳамда Совет Иттифоқи билан Эрон Ислом Республикасини қизиқтирувчи бошқа баъзи проблемалар принципиал жиҳатдан тилга олиб ўтилди.

Эрон билан Ироқ ўртасидаги урушга тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш чоғида А. А. Громико шуни таъкидладики, Совет Иттифоқи ана шу можаронинг тезроқ тўхтатилишини ҳамда Эрон билан Ироқ ўртасидаги мавжуд низоли масалаларни сиёсий воситалар билан ҳал этишга ўтишни қатъий ёқлаб чиқмоқда. Бу иккала мамлакат халқларининг манфаатларига ҳам, шунингдек кенг кўламдаги тинчлик манфаатларига ҳам мос келган бўлур эди.

Эрон делегацияси урушни тўхтатиш шартлари хусусида Эрон ҳукуматининг маълум позициясини баён этди.

(ТАСС).

СОБИҚ ЖАНГЧИ, ҲИКОЯСИ



Тошлоқ районидаги «Коммуна» колхози мактаб ўқувчилари Улуғ Ватан уруши қатнашчиларн билан тез-тез учрашиб турадилар. Ана шундай учрашувларнинг бирига уруш ветерани Собиржон Холматовни таклиф қилишди. У ўқувчиларга урушдан илгариги колхоз ҳаёти ва ўзи босиб ўтган жанговар йўл ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Арабмозор қишлоғидан 300 дан зиёд киши фронтга кетган эди, — дейди Собиржон ака. — Улардан атиги 79 нафари қайтиб келди. Онаюртларига қайтиб келолмаганлар сизларнинг ёрқин келажагингиз, бахт-саодатингиз учун бўлган жангларда мардларча ҳалок бўлдилар.

Собиржон Холматов кетмонни қуролга алмаштирганида 23 ёшда эди. У Ленинград ва Москва учун бўлган шиддатли жангларда иштирок этди. Украина, Польша ерларини озод қилишда қатнашди. Варшава учун бўлган жангларда коммунист С. Холматов душман ўққа тутиб турган 10 километрли участкада алоқани тиклашдаги қаҳрамонлиги учун Қизил Юлдуз орденн ва кейинроқ «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди.

Урушдан сўнг С. Холматов гидротехникумни тугалладн ва пенсияга қадар мелиоратор бўлиб ишлади. Ҳозир Собиржон ака кексалик гаштини сурмоқда. У тез-тез ёшлар билан учрашиб туради ва ҳар гал уларга: «Бу тинчлик йигирма миллион совет кишисининг ҳаёти эвазига келган, уни кўз қорачиғимиздек асрашимиз керак» деб ўгит беради.

Суратда: Собиржон ака Холматов оила аъзолари даврасида.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

Идеология ишини такомиллаштирайлик

«Ривожланган социализмни такомиллаштириш ва КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари асосида партиянинг идеологик иши» тўпламн босмадан чиқди. Тўплам 1984 йил 10-11 декабрь кунлари Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференция материаллари асосида тайёрланган.

Конференцияда идеология ишини такомиллаштиришнинг, ҳозирги шароитда унинг ролини оширишнинг актуал проблемалари кўриб чиқилди, партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги тажрибаси умумлаштирилган.

Тўпламни Снёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

Халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик

«Партия ва ҳукуматнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлиги» тўпламига совет кишилари моддий ва маданий турмуш даражасини оширш билан боғлиқ энг муҳим масалаларга оид қарорлар киритилган. Снёсий адабиёт нашриёти шу тўплам учинчи китобининг иккинчи қисмини босиб чиқарди.

Тўплам худди шу ном билзн 1974 ва 1980 йилларда чиқарилган ҳужжатлар тўпламининг давомидир. Мазкур китобга 1980 йил март ойидан 1984 йилгача бўлган даврда КПСС қарорлари, СССР қонунлари, СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари ва қарорлари, Совет ҳукуматининг қарорлари киритилган.

(ТАСС).



● ОРЁЛ

Катта-катта сўкчак комплекслар эҳтиёт қисмлар асрашни автоматлаш ва механизациялашга ёрдам берди. Орёл областидаги Станово-Колодез ремонт-механика заводининг коллективи шундай комплекслар кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳар бир шундай омбор комплекси қишлоқ хўжалиги машина-ускуналари учун икки минг тоннагача ҳар хил деталь ва узелларни сиғдиради. Автоматлашган кран-штабелерлар ҳар қандай эҳтиёт детални бир неча минутда топиб, истеъмолчиларга етказа олади. Шу йил завод 25 та шундай комплекс ишлаб чиқаради. Уларнинг дастлабкилари мамлакат «Госкомсельхозтехника»сининг корхоналарига юборилди.

● МИНСК

Минск радиотехника институтида ишлаб чиқилган программага мувофиқ электрон-ҳисоб машина шаҳар кўчаларида энг қисқа маршрутни топиб беради. Математиклар автотранспорт тармоқларининг динамик моделларига юк транспортининг ҳаракатн қайси кўчаларда рухсат этилганлиги, панель ташиётган катта машиналар қаерлардан ўта олиши тўғрисидаги маълумотларни киритадилар. Система транспорт вазиятида ҳар куни бўлиб турадиган барча ўзгаришларни ҳам назарда тутади.

Автотранспортчилар системани икки йил ишлатиб, ярим миллион сўмлик иқтисодий самара олдилар.

(ТАСС)

ХОТИРОТ ВАХТАСИ

6 апрель куни Москвадаги Поклонная горада фашизмга қарши жангларда Ватанни ҳимоя этган оталарнинг анъаналарига содиқ туриш учун ёшларнинг фарзандлик миннатдорчилик сўзлари, қасамёдлари янгради. Бу ерга иттифоқдош республикаларнинг вакиллари — Ленин комсомоли тузган Ғалабанинг 40 йиллиги номли Бутуниттифоқ зарбдор отрядининг жангчилари келдилар. Улар беш йилликнинг энг муҳим қурилишларига жўнаб кетмоқдалар.

Ёш кўнгиллилар олис йўл олдидан муқаддас, жанговар шон-шуҳратларга тўла жойга йиғилдилар. Ўтган урушда совет халқи жасоратини нишонлаб, бу ерда улуғвор Ғалаба обидаси қурила бошланди. Йигит-қизлар қаҳрамонлар хотирасини ҳурмат билан эсга олиб, биринчи меҳнат кунини шу умумхалқ қурилишида ўтказишга қарор қилдилар.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар Ер юзида тинчликни ҳимоя этган кишиларга энг самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз, дедилар. Ветеранлар ҳозир ҳам сафда турибдилар: ёшларга ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар, ёшларни коммунистчасига яшаш ва курашга ўргатмоқдалар. Шу ғамхўрликка муносиб бўлиш, шонли анъаналарни ишлар билан кўпайтириб бориш ёшларнинг гражданлик, маънавий бурчидир.

«Ёш гвардия» қўшинининг оҳанги Поклонная гора узра янграйди. Комсомоллар шанбалиги бошланади. Ў қурилиш учун шонли бир кун бўлиб қолди: отряд жангчиларига Ғалаба ёдгорлигининг пойдеворига дастлабки кубометр бетон ётқизиш фахрий ҳуқуқи берилди.

(ТАСС мухбири).

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК, УЮШҚОҚЛИК —

Область партия комитетларининг пленумларида КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш вазифалари муҳокама қилинди

МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Кейинги бир йилда областда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг топширилган ишнинг пировард натижаси учун масъулиятини ошириш, аҳволни тубдан яхшилаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Партия комитетлари раҳбар ходимларнинг иши, уларнинг ахлоқий ва сиёсий сифатлари учун талабчанликни кучайтирдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва область партия комитетининг V пленумидан сўнг халқ хўжалигини бошқаришда йўл қўйилган салбий ҳолатлар, жиддий нуқсонлар очиб ташланди, деди докладчи — обкомнинг биринчи секретари Н. Т. Туропов. — Айрим ходимлар ишдаги қобилиятсизлиги ва ахлоқий нопоклиги учун вазифаларидан четлаштирилди. 1984 йил ва шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида обкомнинг 3 та секретари, 8 та бўлим мудири, шаҳар ва район партия комитетларининг 26 та секретари, область ижроия комитети раисининг 4 та ўринбосари ва секретари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг 12 нафар раиси, область ташкилотларининг 27 бошлиғи, колхоз ва совхозларнинг 99 раҳбари вазифаларидан олиб ташланди. Область, шаҳар ва район партия комитетларининг хизмат вазифасини суиистеъмол қилган 58 аъзоси составдан чиқарилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми партия ҳаётининг ленинча нормаларини бузганлиги, партия ташкилоти билан алоқани узганлиги учун Қарши шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи секретари Я. А. Илиадини КПСС аъзолигидан ўчирди.

Коммунистларга, асосан раҳбар кадрларга КПСС Уставига, партия ҳаётининг ленинча принциплари ва нормаларига риоя қилиш учун қаттиқ талабчанлик вазияти вужудга келди. Шу муносабат билан Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. А. Лозицкийнинг минбардан туриб айтган сўзларини тилга олиш ўринлидир.

— Кадрлар билан ишлашни яхшилаш жараёни ўтиб бўлинди деб ҳисобламаслик керак, — деди нотиқ. — Биз ҳозирча ўз хатти-ҳаракати ва ахлоқи билан коммунист ва раҳбар ходим деган номга доғ туширган, иснод келтирганлардан тозаландик. Бироқ бу борада ҳали талай камчиликлар бор. Раҳбарлар орасида планни бажариш, маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришни таъминлашда ўқувсизлик кўрсатаётган кишилар ҳам учрамоқда. Бошланғич партия ташкилотлари улар билан муросасозлик қилиб келмоқдалар. Биз эскича иш услубига ўрганиб қолган раҳбарлардан қатъият билан ҳоли бўлишимиз лозим. Область партия комитети раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда шаҳар партия комитети билан ҳар доим ҳам ҳисоблашавермайди.

Пленумда айрим шаҳар ва район партия комитетлари область аҳволни соғломлаштиришдан иборат йўлни сўзда қўллаб-қувватлаб, аслида эса КПСС Устави талаблари, партиявий ахлоқ ва этика нормаларини бузувчилар, халқ мулкини талончорож қилувчилар билан муросасозликка ўтиб олаётганликлари танқид қилинди. Чунончи, Косон район партия комитети, унинг биринчи секретари Н. Бегматов адресига жиддий танқидий мулоҳазалар билдирилди.

Шундай фактлар ҳам мавжудки, айрим партия ташкилотлари салбий ҳолатларни кўра-била туриб хас-пўшлашга уринганлар. Ю. Давронов Қамаши районидаги «Партия XXII съезди» колхози раислигини уддалай олмагач, вазифасидан олиниб, унинг ўрнига район матлубот жамияти правлениесининг раиси, товаршунос мутахассислигига эга бўлган Ш. Ҳайитов тавсия этилди. Янги раис енгилгина иш тутди: ошириб ёзиш, кўзбўямачилик билан машғул бўлди. Бу колхозчиларда катта нороэлик туғдирди. Район партия комитети эса бошқача позицияни эгаллади. Одамларнинг шикоятига қарамай, раиснинг шунчаки аризасига биноан бўшатди-қўйди. Унинг ўрнига тайинланган партком секретари Эшмаматов ҳам нопок чиқиб қолди. Ҳайитов бошлаган ножўя хатти-ҳаракатни давом эттирди. Фақат раҳбар ташкилотларнинг аралашуви билан район партия комитетининг бюроси Эшмаматовни ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ хайфсан бериб, вазифасидан четлаштирди. Савол туғилади: нега Қамаши район партия комитети ўз пайтида бу воқеага юзаки қараган?

Кадрлар танлашдаги бундай нуқсонлар областнинг бошқа жойларида ҳам юз берди. Шундай ҳол Усмон Юсупов район партия комитети ҳамда «Қаршистрой» бошқармаси маъмурияти ва партия ташкилоти фаолияти

ҚАШҚАДАРЁ

да ҳам содир бўлди. Масалан, Усмон Юсупов район партия комитети «Пахтакор» совхози директорлигига Э. Азимовни тавсия этди. Кейинроқ маълум бўлишича, у ҳамтовоқлари билан давлатнинг катта маблағини ўзлаштирган шахс бўлиб чиқди. Э. Азимов партия сафидан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

— Партия ва давлат интизомига риоя қилиш раҳбар учун ҳам, оддий ишчи учун ҳам масъулиятли бурч бўлиб қолиши керак, — деди Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикаси ишчиси З. Шарипова. — Афсуски, коллективимизда бунга қаттиқ риоя қилмаётган кишилар ҳам бор. Шунга кўра интизомни бузувчилар, прогулчилар, бракчилар кўпайиб кетди. Ана шунинг оқибатида фабрика кейинги икки ойлик планни бажара олмади. Магазинларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан партиявий талабчанлик, масъулият ҳиссини ошириш борасида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми тугаш йўлни қизғин қўллаб-қувватладилар.

— Хўжаликда ишнинг орқага кетишига, — деди Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз раиси Қ. Ҳақбердиев, — бригадаларга ношуд кишилар раҳбарлик қилиши ҳам таъсир этганди. Ҳозир колхозда бригадаларга мутахассис қадрлар раҳбар қилиб тайинланди. 19 бригада бошлиғининг 12 нафари коммунистдир.

— Раҳбарларимизга нима етишмайди? — деди Ғузор районидаги «Рассвет» совхози пахтачилик бригадаси бошлиғи О. Омонова. —Менингча, бу ишнинг кўзини билмаслик, ўз сўзига талабчанликни оширмаслик, қолаверса, шахсий жавобгарлик ва масъулиятни сезмасликда кўринади. Ўтган йили хўжалигимиз пахта тайёрлаш йиллик планини уддалай олмади. Йилни 600 минг сўм зарар билан якунладик. Ана шунинг ўзи айрим жойларда виждонсиз, ўз шахсий манфаатини кўзлаган, топширилган ишга лоқайд қарайдиган кишилар борлигини билдиради. Раҳбарлар номига ютуққа эришиш учун сохта шуҳрат изидан қувиб, қўшиб ёзиш ва ёлғон маълумотлар тўплаш билан шуғулландилар. Аслида эса амалий ишдан дарак йўқ эди. Топширилган ишга нолойиқ 2 та бош мутахассис, бир бўлим бошқарувчиси, 7 пахтачилик ва 2 сабзавотчилик бригадаси раҳбари вазифаларидан олиб ташланди.

Бундан ташқари, пленумда асосий эътибор бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, жанговарлигини ошириш, унинг ролини кучайтиришга қаратилди. Бу борада айрим шаҳар ва район партия комитетлари йўл қўйган нуқсонлар тилга олинди. Косон, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Деҳқонобод, Чироқчи ва Баҳористон районларининг партия ташкилотларида маъмурий ва партиявий жазо олган айрим раҳбарлар оператив муҳокама қилинмаётир. Хотин-қиз кадрлар билан ишлашда ҳам, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари билан шуғулланишда ҳам кўпгина нуқсонлар мавжуд.

Областда аҳволни соғломлаштириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш учун кураш — бу кишиларнинг юксак онги учун кураш эканлиги пленумда алоҳида қайд этиб ўтилди. Бунинг ҳаммаси кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаш, жой-жойига қўйиш билан боғлиқ. Хулоса шундан иборатки, область партия ташкилотлари интизомни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва жамоат ишлари учун кадрлар масъулиятини ошириш йўлидаги жанговар ишни янада собитқадамлик билан давом эттиришлари зарур.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва область партия комитетининг V пленуми қарорларининг бажарилиши тўғрисида «Каршистрой» территориал бошқармаси бошлиғи С. Чегибоевнинг ҳисоботи эшитилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Айтмуротов қатнашди ва нутқ сўзлади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

Ҳар қандай ишнинг муваффақияти коммунистик қурилишнинг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларида белгилаб берилган улуғвор вазифаларнинг самарали бажарилишига, партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашни нечоғли тўғри йўлга қўйишларига, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига тўғри амал қилишларига боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март Пленуми қарорларида, ўртоқ М. С. Горбачев Пленумда сўзлаган нутқида кадрларнинг топширилган иш учун, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун масъулиятини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари бу борада республика партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берди.

Докладчи — обкомнинг биринчи секретари Т. А. Алимов ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар экономика ва социал ҳаётимизнинг турли соҳаларида юз берган жиддий камчиликларни, кадрларни танлаш ва тарбиялашда ҳаёт синовидан ўтган ленинча принциплардан чекиниш ҳоллари юз берганлигини рўй-рост очиб ташладилар.

XVI пленумда ишлаб чиқилган йўл аввало топширилган иш учун ҳар бир раҳбарнинг масъулиятини ошириш борасида ўтказилаётган катта ва қизғин ишларда ўз ифодасини топаётганлиги яқиллик билан қайд қилиб ўтилди. Обком Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иччил йўлини амалга ошира бориб, ўз обрўсини тўккан, ленинча раҳбарлик усул ва услубига риоя қилмай қўйган баъзи раҳбар ходимларнинг қилмишини қаттиқ қоралади, уларга тегишли партиявий ва маъмурий жазо чораларини кўрди. Буларнинг ҳаммаси вазиятни жиддий равишда соғломлаштириш имконини берди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми амал қилинаётган йўлнинг қатъият билан давом эттирилаверишини таъкидлади. Дарҳақиқат, ҳозир бизда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар қисқа муддатли кампания бўлмай, муттасил давом этадиган принципиал ленинча йўлдир. Бу йўлда тўғаноқ бўладиганларни ҳаётнинг ўзи, бунёдкорлик ишларимиз практикаси улоқтириб ташлайверади. Айни пайтда партия ғояларига садоқати, юксак уюшқоқлиги, ўзига ва бошқаларга талабчанлиги билан ажралиб турувчи ташкилотчи, истеъдодли кадрларга таяниб иш кўраверади.

Марказий Комитет пленумларининг қарорларини амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажаришда раҳбар кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Область, шаҳар, район партия комитетлари кадрларнинг сифат составини саралаш йўлини қатъият билан амалга оширмоқдалар. Кейинги ярим йилда шаҳар, район партия комитетларининг 28 секретари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг 44 раиси ва раис ўринбосари, корхоналар, ташкилотлар, колхоз ҳамда совхозларнинг 45 раҳбари алмаштирилди. Бошқа участкаларда ҳам раҳбар ходимлар ўзгартирилди.

Лекин, дейилди пленумда, ҳамма участкалар ҳам муносиб кишилар билан мустаҳкамланди, деб бўлмайди. Жойларда ташаббуссиз ва масъулиятни ҳис этмайдиган кишилар ҳамон ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги пастдан юқорига ишчанлик ва сиёсий сифатларига қараб эмас, балки ошна-оғайнигарчилик йўли билан кўтарилган.

Айрим шаҳар, район партия комитетлари кадрлар билан ишлашдаги хато ва нуқсонларга келишувчанлик қилмоқдалар, ярим-ёрти чоралар кўришдан нарига ўтмаяптилар. Масалан, яқинда обком бюросида Тошкент шаҳрида халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари томонидан квартираларни тақсимлашда қонуннинг қўпол равишда бузилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу борадаги салбий хатти-ҳаракатларни Тошкент шаҳар партия комитети яхши биларди. Аммо унга тасодифий ҳодиса деб қаралди. Орадан икки ой ўтганига қарамай, шаҳар партия комитети, шаҳардаги район партия комитетларининг секретарлари очиб ташланган камчиликларни тугатиш юзасидан етарли иш қилганлари йўқ. Шаҳар ижроия комитетининг собиқ раиси В. Козимов эса ҳамон шаҳар партия комитетининг аъзоси бўлиб қолмоқда.

Пленум қатнашчилари коммунистларнинг масъулиятини ошириш масаласига алоҳида тўхталдилар. «Омма орасидаги бутун ишни ҳақиқатан ҳам партия қарорлари руҳида олиб бораётган кишигина партия аъзоси деган юксак номга муносиб» эканлиги ҳақидаги ленинча

ТОШКЕНТ

вазнятга ҳар биримиз оғишмай амал қилишимиз лозим. Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси Ф. Ғозиева хўжаликдаги 157 коммунистнинг аксарияти ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида меҳнат қилаётганлигини таъкидлади.

— XVI пленум қарорлари асосида тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқдамиз, — деди у. — Амалий иш ўрнига қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик йўлига ўтиб олган ходимлардан халос бўлдик. Меҳнатга ҳақ тўлашда қатиқ тартиб ўрнатилди. Бу эса интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш имконини берди.

Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари С. Сайдалиев ташкилотчилик иши практикасида жойларга вакиллар юборишдан воз кечилганлиги яхши натижаларни берганлигини таъкидлади. Айни пайтда у область партия комитетининг бўлимлари турли-туман маълумотларни ҳамон талаб қилиб, қоғозбозликни авж олдираётганликларини қоралади. Юқори ташкилотлардан бизга келадиган ходимлар амалий ёрдам беришни эмас, инспекция ўтказишни кўзлайдилар. Уларни шу кунларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, одамларнинг кайфияти, сиёсий-оммавий ишлар эмас, балки нуқул хўжалик характерига эга бўлган икир-чикир масалалар қизиқтиради.

Оққўрғон пахта заводи бошланғич партия ташкилотининг секретари Л. А. Бойкова қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик экономикага нақадар катта зарар келтирганлигини ачиниб гапирди. 1983 йилда биргина шу корхона неча минг сўмлаб зарар кўрган. XVI пленум қарорлари изчил ва оғишмай амалга оширилиши туфайли меҳнат коллективларидаги маънавий муҳит яхшиланди. Иш кўрсаткичларида ҳам жиддий бурилиш ясалди. Ўтган йили пахта хом ашёсидан толанинг чиқиши — 30,8 процент бўлди. Шунинг ўзидан 330 минг сўм фойда кўрилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори В. Н. Сигедин, «Ташсельмаш» заводининг токари К. К. Петякшев, Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Березовский, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз раиси Х. Ҳамроқулов, Бўстонлиқ район ижроия комитетининг раиси А. Айдарқулов, область комсомол комитетининг биринчи секретари М. Маҳмудов, область касаба союзлари Советининг секретари С. Муҳаммаджонова ва бошқа нотиқлар ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар даражасини янада оширишга қаратилган конкрет таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Турмушда ўзини нотўғри тутган гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Йўлдошев, район ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари Аҳмедовларга нисбатан Калинин район партия комитети келишувчилик, либераллик қилганлиги хато бўлди. Аҳолига маиший-хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи Саидов раҳбарлик лавозимларига номуносиб, нопок кишилар тайинланишига йўл қўйгани кўрсатилди.

Областда кадрлар тез-тез алмаштирилмоқда. Кейинги тўрт йилда турли сабабларга кўра партия комитетлари номенклатурасидаги саноат корхоналари ходимларининг қарийб 80 проценти, қурилиш ходимларининг 90 процентга яқини, транспорт, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг ҳаммаси алмаштирилган. Бу ишнинг натижасига ёмон таъсир қилмоқда. Бунинг учун айбнинг бир қисми область партия комитетининг бўлимлари зиммасига ҳам тушади.

Пленумда кадрлар составини янгилаш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиш, уни янги кучлар билан, даставвал, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшларнинг энг яхши вакиллари ҳисобига тўлдириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Жиддий камчиликларга, жиноятга йўл қўйганликлари учун кейинги даврда ҳар ўн саноат корхонасидан биттасининг раҳбари ишдан бўшатилди. Область, Тошкент шаҳар партия комитети, район партия комитетлари уларнинг кўпчилигининг фаолиятини узоқ вақт мобайнида ҳар томонлама рағбатлантириб, ишини чуқур контрол ва таҳлил қилмадилар. Бир қатор раҳбарларнинг кибрланиб кетганлиги, партиявийлик, камтарлик, ҳалқ олдида жавобгарлик ҳиссини сезмай қўйганлигини кўрмадилар ҳамда унинг олдини ўз вақтида олмадилар.

Пленум қатнашчилари кадрларни тарбиялаш ва партия комитетларининг куч-ғайратини оширишнинг таянчи ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини янада ошириш, бунинг учун уларга ҳар тарафлама ёрдам бериш зарурлигини айтдилар. Советлар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятига партия раҳбарлигини, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш талаб этилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

А. НАБИҲЎЖАЕВ,
Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИДИР!

ПРИНЦИПИАЛ ТАНҚИД РУҲИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорларини қўриқ область коммунистлари, барча меҳнат аҳлини руҳлантириб юборди. Пленум кўрсатмалари чўлқувварлар қолбида жанговарлик, талабчанлик ҳамда бунёдкорлик туйғуларини жўш уидирмоқда. Худди мана шу партиявий принципиаллик руҳи область партия комитетининг пленумида ўз ифодасини топди.

Қўриқ область партия ташкилоти кадрлар билан ишлаш борасида муайян тажриба тўплаган. Аммо докладчи область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Антонов ҳамда нотиқлар асосий диққат-эътиборни ютуқларни санаб ўтишга эмас, балки кадрлар билан ишлашдаги мавжуд камчиликларни очиб ташлаш ва шу кеча-кундузда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда етилган муаммолар ечимига қаратдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида Сирдарё область партия ташкилотида кадрлар билан ишлашнинг баъзи қирралари жиддий танқид остига олинди. Хўш, ана шу танқиддан қандай хулоса чиқариб олинаётир? Энг муҳими, камчиликларни тугатиш йўлида қандай тадбирлар белгиланмоқда? Ана шу каби муаммолар пленум иштирокчиларининг диққат марказида турди.

Ўтган йили область, шаҳар ва район партия комитетларининг номенклатурасидаги раҳбарлардан 40 нафари эгаллаб турган вазифаларидан четлатилди. Шунга қарамай, баъзи шаҳар ва район партия комитетлари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида қайта қуришда сусткашлик билан ҳаракат қилаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Кадрлар билан ишлашдаги камчиликлар экономикага, ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ривожланишига жиддий зарар етказмоқда. Докладчи, шунингдек, нотиқлар — республика Қурилиш министрлигига қарашли 7-трестнинг бригада бошлиғи А. Евтеев, Янгиер шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Тимошенко ва бошқа ўртоқлар ўтган йили гарчи область саноатчилари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни реализация қилиш планларини муваффақиятли бажариб, меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 2,1 процентга оширган бўлсалар-да, мавжуд 57 та корхонадан 21 таси товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 1983 йилга нисбатан пасайтириб юборгани ҳақида гапириб ўтдилар. Ана шундай қолоқ корхоналар орасида 9 та пахта тозалаш заводи, Янгиер сопол қувурлари заводи, асфальт-бетон заводи ҳамда бошқа корхоналар бор.

Областдаги қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг ишларида ҳукм суриб келаётган нуқсонлар, айниқса, ташвишлидир. Илғор тажриба, фан-техника ютуқлари сусткашлик билан жорий этилмоқда. Ерларнинг ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги сезиларли ортмаётир. Оқолтин, Сирдарё, Ховос, Меҳнатобод районлари ўтган йили давлатга пахта сотиш планини бажара олмадилар. Қатор колхоз ва совхозлар чорвадорларининг айби билан область давлатдан 2400 тонна сут қаршдор бўлиб қолди. 4357 тонна гўшт, 1,5 миллион дона тухум кам етказиб берилди. Хўш, ана шу сингари жиддий нуқсонларнинг пайдо бўлишига нималар сабаб бўлмоқда? Жавоб ўз-ўзидан маълум: тегишли районларнинг партия комитетлари ўз иш методларини ҳозирги давр талаблари асосида қайта қура олмаётирлар. Кадрларга талабчанлик етишмаётир. Ишлаб чиқаришда мутахассисларнинг роли кўтарилмаяпти. Докладчи, шунингдек, музокараларда иштирок этган нотиқлар — Гулистон район партия комитетининг биринчи секретари Р. Абдураҳмонов, халқ депутатлари Меҳнатобод район Совети ижроия комитетининг раиси А. Илашев ҳамда бошқа ўртоқлар бу нуқсонларни бартараф этиш йўлларига алоҳида тўхталишди.

— Кадрларни янги вазифага тавсия этишдан олдин коллективнинг у ҳақдаги фикрини билиш, айниқса, муҳимдир, — деди пленумда сўзга чиққан Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, участка цех партия ташкилотининг секретари Г. Донабоева. — Биз ана шу практикадан самарали фойдаланмоқдамиз. Ўтган йили ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун колхознинг бош инженери Тошмемир Тошматов вазифасидан бўшатилган эди. Унинг ўрнига ёш коммунист Олимжон Абдуллаевнинг номзоди кўрсатилди. Колхоз марказий ремонт устахонасининг барча ходимлари, хўжаликнинг кекса коммунистлари, меҳнат ветеранлари муҳокама

СИРДАРЁ

пайтида у ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин баён этдилар. Коммунист О. Абдуллаев характеридаги ижобий томонлар билан бир қаторда унинг қизиққонлиги, баъзан эса шошма-шошарликка йўл қўйиши ҳам рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Пировардида унга ишонч билдиришга қарор қилинди. Ҳозир ёш коммунист яхши ишламоқда. Ўтган йили колхозда машинада пахта териш плани ошириб ado этилди. Колхознинг техника хўжалиги тартибга тушмоқда. Барча соҳаларда ишлар яхшиланмоқда.

Пленум иштирокчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари талаблари асосида партия, давлат ҳамда меҳнат интизомини бузаётганларга, лавозимини суиистеъмол қилаётганларга нисбатан қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бориш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Тўғри, бу борада муайян ишлар амалга ошириляпти.

Ўтган йил мобайнида партия комитетлари меҳнаткашлардан ўз коллективларининг раҳбарлари устидан норози бўлиб ёзган 483 та хат олди. Айбдор шахсларга тегишли чоралар кўрилди. Колхоз мулкини талон-торож қилгани учун Гулистон районидаги Навоий номли колхознинг собиқ раиси Э. Тўрабоев партия сафидан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, Боёвут районидаги «Ғалаба» совхозининг собиқ директори Ш. Сулаймонов ҳам кўзбўямачилик қилгани, қариндошуруғчиликка йўл қўйиб, давлат мулкини ўғирлагани учун ана шундай жазо олди.

Ҳозир бир жойда ўзининг шахсий манфаатларини давлат, коллектив манфаатларидан устун қўйиб, обрўйини туширган раҳбарларни осонлик билан иккинчи ўринга ўтказиб қўйиш «тажриба»си қаттиқ қораланмоқда. Афсуски, областнинг баъзи районларида ана шундай ноҳуш фактлар ҳамон учраб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида Сирдарё область партия комитетининг хотин-қизлар орасидан раҳбар кадрлар ўстириш борасидаги ишлари жиддий танқид қилинган эди. Бу принципиал масала обком пленумидаги муҳокамада ўзининг жиддий ифодасини топди. Шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарлари, совхоз директорлари ва корхоналарнинг раҳбарлари орасида бирорта ҳам хотин-қиз йўқлиги ҳақиқатан ҳам келишиб бўлмайдиган ҳол эканлиги таъкидлаб этилди. Докладчи ҳамда музокараларда сўзга чиққан нотиқлар Комсомол район партия комитетининг секретари Р. Эшонхўжаева идеология ишидаги баъзи камчиликлар ҳамда бошқа ўртоқлар хотин-қизлар орасидан раҳбар кадрлар етиштириш муаммолари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Эътибордан четда қолаётган яна бир масалани эътироф этиб ўтишга тўғри келади. Баъзи районларда хўжалик раҳбарларини тез-тез алмаштириб туриш одат тусига кириб қолмоқда. Масалан, кейинги беш йил мобайнида Ворошилов районидаги «Рассвет» ҳамда Ильич районидаги Титов номли совхозларда 4 тадан директор алмаштирилди. Боёвут районидаги Ленин номли колхозда 1982 йилдан бери тўртинчи раис ишламоқда. Шу райондаги «Ғалаба» совхозига эса икки йил мобайнида учинчи директор келди.

Хўш, нима учун ана шундай фактлар рўй бераётир? Биринчидан, ана шу районларда резервдаги кадрлар билан ишлаш кўнгилдагидек эмас. Иккинчидан, хўжалик раҳбаридек масъулиятли вазифаларга кадр танлашда шошма-шошарликка йўл қўйилмоқда. Учинчидан эса янги тайинланган раҳбарларни қўллаб-қувватлаш, хўжаликни тиклаш йўлида зарур бўлган ёрдамни кўрсатишда изчиллик етишмаётир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми тегишли партия органларининг ишларидаги бундай иллатларга зудлик билан барҳам бериш вазифасини қўйди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — область партия комитетининг КПСС XXVI съезди ҳамда область партия ташкилотининг X конференцияси қарорларини қандай бажараётгани ҳақида обкомнинг иккинчи секретари ўртоқ А. Ҳабибуллаев ахборот берди.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитетининг раиси ўртоқ В. А. Головин иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАЗИНАЛАР ТИЛСИМИН ОЧИБ...

Бугун — геологлар куни

Халқ хўжалигида ер ости қазилма бойликларидан фойдаланиш— ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим омиллардан бири. Мамлакатимиз оғир саноати маҳсулотларининг 90, халқ истеъмоли буюмларининг 20 процентга табиий минерал ресурслар манбалари ҳисобига ишлаб чиқарилади. Улар қишлоқ хўжалигининг интенсив тараққиётида салмоқли аҳамият касб этади.

Улуғ Ленин васиятларига кўра Коммунистик партия, Совет ҳукумати социал қурилишнинг ҳамма босқичларида минерал хом ашё базасини ташкил этиш ва кенгайтириш учун геология ишларига муттасил катта аҳамият бериб келмоқда. Бу эса халқ хўжалигини зарур ресурслар билан таъминлашга имкон беряпти.

Ҳозирги даврда қора ва рангли металларга, нефть ва газга, алюминий ва титанга, қаттиқ қотишма ва махсус эритмаларга талаб ортиб бормоқда. Атом хом ашёси энергия манбаи сифатида, айниқса, муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш зарурияти фосфорли ва калийли минерал ўғитларга, сув таъминотининг янги манбаларига катта эҳтиёж туғдирди.

Шу беш йилликда Ўзбекистон геологлари 34 та фойдали қазилма конларини очиб, 78 та ер ости бойликлари манбаларини саноат ишлаб чиқаришига топширдилар. Қизилқумда халқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга «ҳосил тоши» — фосфор запаси 10 миллион тонна ўсди. Бу кон ишга туширилиши билан республикамиз кафолатли хом ашё базасига эга бўлиб, уни четдан ташиб келтириш зарурати қолмади.

Бухоро— Қарши зонасида газ конденсати ва газ-нефть конлари очилди. Корхоналарни узоқ муддат хом ашё билан таъминлаб туриш ва уларни кенгайтиришга имконият берадиган бошқа фойдали қазилма турларидан ҳам кутилган самаралар олляпмиз. Бойсун конида Ўзбекистон жанубида кўмир саноатини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга янги кўмир қатлами очилди.

Партия бугунги кунда халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришиш вазифасини қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг шу йил март Пленумида: **«Биз қисқа муддатларда энг илғор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги олий даражасига чиқиб олишимиз лозим ва шундай қилишга мажбурмиз»** деб алоҳида таъкидланди. Ана шу талаб нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳали биз тармоқ илмий-текшириш институтлари (САИГИМС, ИГИРНИГМ, ГИДРОИНГЕО), Иттифоққа бўйсунувчи бошқа институтлар билан ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш соҳасида кўп иш қилишимиз керак. Ҳозир илмий-тадқиқот институтларимиз сарфлаётган ҳар бир сўм 4,1 сўм иқтисодий самара бермоқда.

Бир қарашда бу ёмон натижа эмас. Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI—XIX пленумлари қарорлари асосида ишимизга баҳо берсак, бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришишимиз лозим. Шунинг учун ҳам биз ҳозирги кунда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада такомиллаштириш, меҳнат коллективларининг жанговарлик қобилиятини кучайтириш, партия, давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тадбирларини кўрмоқдамиз.

Қўрилаётган бу тадбирлар ўз самарасини беряпти. Министрлик коллективларида етакчи касб бригадаларининг аксарияти меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули — бригада пудрати асосида иш олиб боряпти. 25 та энг яхши бригада ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Улар орасида Қизилқум геология бирлашмасидан А. Нестеренко, А. Норинбоев, В. Прокопенко, Г. Лунев, Самарқанд геология бирлашмасидан А. Гураев, Н. Аджиумеров, «Ўзбекгидрогеология» бирлашмасидан Э. Мамажонов, А. Худойбердиев, В. Чиганов бошлиқ пешқадам коллективлар бор. Тошкент геология ва «Ўзбекнефтгазгеология» бирлашмаларининг Х. Зиёев, Р. Гончаров, Г. Квон, Б. Жумашев каби геологлари етакчилик қилаётган бригадалар бошлаган ташаббус асосида тармоқ коллективларида тежалган материаллар ҳисобига 12100 метр узунликда қудуқлар қазилди, салкам 600 метр чуқур пармалаш ишлари бажарилди, мураккаб тоғ жинслари шароитида 450 метрдан ортиқроқ ер ости ишлари уддаланди.

Партия ва ҳукуматимиз геологлар меҳнатини ҳамиша юксак баҳолаб келяпти. 1984 йил топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганлиги учун Қизилқум геология бирлашмаси коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг, «Ўзбекгеофизика», «Ўзбекгидрогеология» бирлашмалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландирилдилар.

Республикамизнинг 1985 йил иқтисодий ва социал ривожланиш планига мувофиқ геология ходимлари олдида катта вазифалар турибди. Кончилик корхоналари минерал хом ашё базасини янада кенгайтириш биринчи галдаги вазифамиздир. Бунинг учун илғор иш методлари, техника ва технологияни жорий этиш, иш самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш, олиб бориладётган тадқиқотларнинг илмий, амалий асосларини яратиш керак бўлади.

Ўзбекистон геологлари ўзларининг анъанавий байрамларига ёруғ юз билан келишди. Беш йилликнинг якунловчи йили биринчи квартали топшириқлари барча кўрсаткичлар бўйича бажарилди. Иккинчи квартал вазифаларини ҳам барвақт ado этиш йўлида дадил қадам ташланди. КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга бел боғлаган хазинатопарлар 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бекамн-кўст бажарадилар, мамлакат минерал хом ашё базасини бойитиш ишига баракали ҳисса қўшаверадилар.

Ҳ. ТЎЛАГАНОВ,
Ўзбекистон ССР геология министри.



Олмалиқ геология-қидирув экспедицияси коллективи анъанавий байрамни катта зафарлар билан кутиб олмоқда. Экспедиция ташкил топганидан буён бир қанча конларнинг запасларини аниқлаб, саноат учун фойдаланишга топширди. Кейинги вақтда регионда биринчи марта чуқур пармалаш усули жорий қилинди. Натижада конларда пармалаш ишларини муваффақият билан бажариш мумкин бўлмоқда. Суратда: чуқур қудуқлар пармалаш усталари — пайвандчи С. Васильев (чапда) ва И. Сулаймонов.

В. СИРОТКИН фотоси.

АМАЛИЙ ИШ МЕЗОНИ

Кадрлар масаласи — навқирон область партия ташкилоти учун энг актуал, гоят муҳим аҳамиятга молик масалалардан биридир. Область ташкил этилгандан буён ўтган уч йил давомида иқтисодий-социал вазифаларни ҳал этиш билан бирга ишлаб чиқариш, бошқарув органларидаги масъулиятли участкаларга кўплаб кадрларни танлаб қўйишга, уларнинг раҳбарлик услубини иш жараёнида такомиллаштириб боришга тўғри келди. Бу вазифа муваффақият билан олиб борилаётганлиги область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин докладида, пленум иштирокчиларининг нутқларида алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида таъкидланганидек, кейинги пайтда область партия ташкилотида раҳбарларга нисбатан талабчанлик кескин оширилди. Хўжаликни самарали юритиш учун талаб кучайтирилди. КПСС Устави талабларидан бир оз бўлса-да четга чиқишларга принципиал баҳо бериляпти. Ҳар бир шундай ҳол юзасидан партия комитетлари қатъий чоралар кўряпти. Бу ҳақда кенг активни хабардор қилиб, одамлар билан очиқ маслаҳатлашиб турилибди. Шу билан бирга пастдан юқорига кўтариш мўлжалланаётган номзодларни бошланғич ташкилотларда муҳокама қилиш, характеристикаларни партия йиғилишларида тасдиқлаш каби услубларни такомиллаштириб, резервдаги кадрлар билан ишлашга катта эътибор берилмоқда.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш борасида амалга оширилаётган бу каби ишлар сезиларли натижалар беряпти. Раҳбарларнинг пировард меҳнат натижаларга эришиш учун масъулияти кучайди. Беш йилликнинг тўрт йилида товар ишлаб чиқариш ҳажми 138 процент, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 119,8 процент бажарилди. Шу йилнинг биринчи кварталида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш вазифалари оширib бажарилди. Транспорт, алоқа, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳам ўз ишларини бирмунча яхшиладилар.

Бироқ бу билан партия ташкилотининг кадрлар билан ишлаш борасидаги фаолияти камчиликлардан ҳоли, барча участкаларда тартиб ўрнатилган, деб бўлмайди. Докладда ва нотиқларнинг сўзларида масаланинг худди шу жиҳати диққат марказида бўлди. Негаки, ўтган йили область саноат коллективлари меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процентга ошириш, маҳсулот таннархини 0,5 процентга камайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажара олмади. Аграр секторда ва капитал қурилишда баъзи камчиликлар рўй беряпти. 1984 йили қишлоқ механизаторлари планга нисбатан 37 миллион сўмликдан ортиқ кам маҳсулот етиштиришди. Қурувчилар 9,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ўзлаштира олмадилар. Соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларидаги ишлар ҳам жуда секинлик билан яхшиланяпти.

Экономика ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида рўй бераётган камчиликлар, деб таъкидланди пленумда, партия ташкилотларининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги нуқсонлари билан боғлиқ.

— Агар партия комитетлари, — деди бу фикрни давом эттириб Конимех район партия комитетининг биринчи секретари А. Петросян, — рўй бераётган салбий ҳолатлар, оддий хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш интизоми бузилишлари олдини ўз вақтида олишса, кўнгилсиз фактлар кескин камайган бўлар эди. Биз бунга ўз иш тажрибамизда амин бўлиб турибмиз. Масалан, кейинги пайтнинг ўзида районимизда бир неча раҳбар партия ва давлат интизомини бузганлиги учун ишдан олинди. Ўйлаб кўрсак, бу тасодифий ҳол бўлмай, аслида райком, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги кадрлар билан ишлашдаги камчиликлар туфайли юзага келган. Биз шунинг учун кадрлар билан ишлашнинг усул ва услубларини доимо такомиллаштиришимиз лозим.

Яна шу нарса ташвишланарлики, деб қайд этилди пленумда, баъзи шаҳар, район партия комитетлари раҳбарлик лавозимларига кадрлар танлашда шошма-шошарликка, ўйлаб кўрмасдан иш тутишга йўл қўймоқдалар. Яқинда Учқудуқ район партия комитети, халқ депутатлари район Совети ижроия комитети райижроком раиси ўринбосари лавозимига район нефть базаси директори Б. Оразимбетовни тавсия қилди. Қизиғи шундаки, ундан сал олдинроқ район партия комитетига область нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармасидан Б. Оразимбетов ишни бу

НАВОИЙ

тунлай барбод қилганлиги учун вазифасидан бўшатилганлиги ҳақида тавсияномма келган эди. Шунга қарамай, райком бунга эътибор бермади. Кичик участкада ишни эплай олмаган ходимни янада масъулиятли ва юқори лавозимга муносиб кўрди.

Пленумда кадрларни тарбиялаш, уларнинг сифат составини яхшилаш масаласига катта аҳамият берилди. Чунки замонавий ишлаб чиқариш даражаси, фан-техника тараққиётининг юксак муваффақиятлари раҳбарларнинг мукаммал билим ва малакага эга бўлишини тақозо қилади. Лекин ҳали область ишлаб чиқаришида олий ва ўрта маълумотли мутахассислар жуда камчиликни ташкил этади. Баъзан раҳбар органларда бутунлай бошқа соҳа мутахассислари ишлаяпти. Мисол учун Нурота, Учқудуқ район партия комитети, Зарафшон шаҳри алоқа бўлимларининг бошлиқлари лавозимига филолог, бухгалтер ва экономист тайинланган. Пленум иштирокчилари резерв кадрлар билан ишлашни янада яхшилаш, бу йўналишда ишлаб чиқилган аниқ системани ҳар томонлама такомиллаштириш, айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш, уларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтариш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Бу жиҳатдан Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи М. Шарипованинг чиқиши диққатни жалб этди.

— Очиқ айтиш керакки, хотин-қизларни ҳозир раҳбарлик лавозимларига кўтаришга эътибор партия талаблари даражасида эмас,— деди у. —Узоққа бормай, ўзим ишлаётган колхоздан мисол келтирмоқчиман. Мана, икки йилдирки бизда маданий-маиший ишлар бўйича раис ўринбосари лавозими бўш турибди. Колхозимизда бўлса, тадбиркор, ишчан ва оқила хотин-қизлар жуда кўп. Шу билан бирга уларни ўрта звено раҳбарлигига ҳам активлик билан тортиш лозим. Чунки бригада бошлиқлари орасида мендан бошқа, табелчи, звено бошлиқлари орасида эса умуман биронта хотин-қизни учратмайсиз.

Коммунистик партия раҳбар кадрлар меҳнаткашлар кўз ўнгида лавозими билан эмас, балки юксак ахлоқий обрўга сазовор бўлиши лозимлигини таъкидламоқда. Ўзбекистон - Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан сўнг область партия ташкилотларида бу масалага эътибор янада кучайди. Бироқ кейинги пайтда юз берган салбий фактлар хўжасизлик, ахлоқий юзтубан кетиш, пораҳўрлик, қўшиб ёзиш каби иллатлар ҳали ҳам таг-томири билан йўқотиб ташланмаганлигини кўрсатяпти.

Жамиятимиз учун хавфли бўлган қўшиб ёзиш, хўжалик моддий интизомини бузиш, хўжасизлик, лавозимни суиистеъмол қилиш ва бошқа салбий иллатларга доир яна бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Пленум партия ҳаёти нормаларидан чекинилган ҳар бир ҳолат, ҳар бир салбий фактга принципиал баҳо берди.

Яна шу нарса алоҳида қайд этилдики, салбий ҳодисаларга қарши кенг кураш авж олган шароитда кадрларга баҳо беришда объективлик ва принципиаллик билан ёндашиш зарур. Токи, ёлғон-яшиқ, бўҳтонларга ишонилиб, виждонли, ишчан ходимларнинг обрўсини тўкиб қўйишга, у ҳақда нотўғри фикр пайдо бўлишига йўл қўйилмасин.

Пленумда областдаги идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар ҳам чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилди. Партия ташкилотларининг бу борада муайян тажриба тўпланганлиги алоҳида таъкидланди. Аммо идеологик иш усул ва услубларини такомиллаштириш, меҳнаткашлар онгини чиниқтириш, раҳбарлар савиясини ошириш йўлида кўп изланиш лозим. Раҳбар ходимлар орасида сиёсий билимлари саёз, фан ва техника ютуқлари билан қизиқмайдиган кишилар ҳам учраб қолмоқда. Айрим коммунистлар диний маросимларда иштирок этмоқдалар. Бу, аввало, «Ғозғон» совхози бош экономисти Ҳ. Файзиев, илгари ички ишлар органларида хизмат қилган Ҳ. Аҳмедовларга тегишлидир. Партия ташкилотлари омма орасида тарбияни кучайтиришлари зарур. Пленумда сўзга чиққан Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Духанов, Томди районидаги Ленин номли совхоз директори Т. Мирзабеков, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори М. Плешков ва бошқа ўртоқлар тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорлари асосида кадрлар масъулиятини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар савиясини оширишга эътиборни қаратдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. В. Дорофеев иштирок этди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОСМОС ГЕОЛОГИЯГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Ўзбекистонлик олимлар ернинг халқа тузилишлари ва чоғроқ узилишлари — ленеаментлар атласини ишладилар. Атлас космик суратлар асосида тузилди. У ер пўстлоғининг тектоник жараёнларини ўрганишда, фойдали қазилмалар излашда геологлар, гидрогеологлар, олимларга ёрдам беради.

Бугунги кунда космик аппаратлар, орбитал станциялар ёрдамида олинаётган йирик масштабли суратлар ландшафтни чуқурроқ ўрганишга, янги тузилишларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, космик техника ёрдами билан ўтказилган тадқиқотлар геологларнинг Марказий Қизилқумда кичик-кичик дўнгликлар, Газли районида эса майда геологик структуралар пайдо бўлганлиги тўғрисидаги кузатишларини тасдиқлади.

Ҳозир республикада космосдан олинган маълумотлар асосида саккизта геологик разведка отрядлари ишлаб турибди. Гидрогеологларнинг практикасида шу маълумотлардан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Уларнинг ёрдами билан турли районларда истиқболли сув запаслари топилди. Ўзбекистон ССР Геология министрлигида космонавтлар — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник В. А. Ляхов ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник А. Н. Береговой билан ўтказилган учрашувда шулар ҳақида гапирилди.

Космонавтлар республика геологлари кейинги йилларда ўтказган иш натижалари билан танишиб чиқиб, бу ишларга юксак баҳо бердилар. Улар келгусида космосдан туриб ўтказиш мўлжалланаётган геологик тадқиқотларнинг янги йўналишлари тўғрисида гапириб бердилар.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Бахмал районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида яшовчи Ҳ. Аҳмедовнинг аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилди.

Шу мақсадда 380 минг сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 1983 йилда қурилиш ишлари бошланган эди.

Ўтган йили қурилишга 252 минг сўм капитал маблағ ажратилгани ҳолда, шундан 170 минг сўмлик иш бажарилган, холос. Пудратчи ташкилот— «Узспецводренаж» трести ҳисобланади.

1985 йил учун 128 минг сўм ажратилди. Объект шу йилнинг иккинчи кварталида қурилиб, ишга туширилади.

ҚУШКЎПИР РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ:

— «Иттифоқ» колхозидан олинган мактубда район савдо тармоқларида харидорлар ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари содир бўлаётганлиги кўрсатилган эди. Район матлубот жамиятига қарашли 18-магазин сотувчиси И. Матёқубов харидорлар ҳақидан уриб қолаётганн текширишда аниқланди. Ҳозир магазинда ревизия ўтказилмоқда. Район ички ишлар бўлими савдода жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда.

АРДОҚЛИ АВЛОД

Анъанага кўра, ҳар йили 7 апрелда Жаҳон саломатлик куни нишонланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотн қарорига биноан у бу йил «Соғлом ёшлар — бизнинг энг яхши ворисларимиз» шиори остида ўтади. Зеро, йигит-қизларнинг жисмонан бақувват, ҳар тарафлама баркамол бўлиб вояга етишлари келгуси авлодлар соғлиғига энг яхши кафолатдир. Болалар билан ўсмирлар сиҳат-саломатлиги масалалари, улар тарбиясига оид вазифалар давлатимизнинг социал сиёсат бобидаги фаолиятида асосий ўринни эгаллаб келмоқда.

Бинобарин, болалар бизнинг келажагимиз, бебаҳо қувончимиздир. Улар ҳақида, истиқбол эгаларн соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилиш бизда ҳамиша энг муҳим вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Советлар днёрининг истиқболи бугунги навқирон авлод билан белгиланади. «Ҳозирги кунда социализм шароитида туғилган совет кишиларининг янги-янги авлодлари актив ҳаётга кириб келмоқдалар, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев. — Бу кишилар учун тузимимизнинг тарихий ғалабалари биз нафас олаётган заводек табиий ва доимий бир нарсадек туюлади». Соғлиқни сақлаш ишининг мамлакатимизда қарор топган чинакам демократик системаси ҳам ана шундай ютуқлар жумласига киради.

7 АПРЕЛЬ — ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

ЕШЛАР тарбияси, уларнинг жисмоний ва маънавий камолоти уйғун ҳолда олиб борилиши учун мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳамма шароит яратилган. Болалар боғча ва яслилари, поликлиника, касалхона ва санаторийлари, ўсмирлар кабинетлари ишлаб турибди. Умумий мажбурий ўрта таълим жорий этилган, ўқиш ва меҳнат тарбияси билан боғлиқ бўлмаган болалар меҳнати ман қилинган. Социалистик тузумимиз ёшларга социал-сиёсий ҳуқуқларни гарантиялайди, уларнинг ижодий меҳнат қилиш, таълим ва маданиятни ошириш йўлидаги интилишлари рўёбга чиқишини тўла таъминлайди. Ҳамма ерда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, физкультура ва спортни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлод ҳақидаги улкан ғамхўрлигига мактаб ислоҳотини ўтказиш режалари яна бир ёркин мисол бўла олади. Яқин вақт ичида мактабларимизда янги программага ўтилади, болаларни олти ёшдан ўқишга жалб этиш такомиллашади, ўн бир йиллик таълим жорий этилади.

Шу муносабат билан қатор проблемалар юзага келмоқда. Кейинги йилларда барча иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатдики, муайян шароитлар яратилса, олти ёшли болаларнинг асосий қисми ўқишга тайёр. Бунда мактаблар, ота-оналар қатори медицина ходимлари олдига ҳам катта вазифалар қўйилмоқда. Болаларнинг тўғри овқатланиши, дам олиши, ухлаши, уй вазифаларини бажариши — умуман ўқувчининг кун тартибига риоя этиши нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш юзасидан ҳам изчил иш олиб бориш керак. Қолаверса, мактабларда ўқувчиларнинг гигиеник тарбиясини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш лозим.

Ҳар йили ҳамма ёшдаги ўқувчилар диспансер кўригидан ўтказилади. Бу улар сиҳат-саломатлигини муҳофаза этишнинг асосий методи бўлиб, белгиланган муддатда мунтазам равишда болаларни медицина кўригидан ўтказиш, ёш организмдаги турли ўзгаришларни вақтида аниқлаш, зарурат бўлса, малакали шифо чораларини кўриш имконини беради. Мактаб ўқувчиларинингина эмас, ҳунар-техника билим юртлари ва техникумлар талабалари, олий ўқув юртлари студентларининг ҳам сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. 15—18 ёшдаги ўсмирларга медицина ёрдами кўрсатишнинг формалари такомиллашмоқда. Турар жойларда, ўқиш ва иш жойида улар учун даволаш-профилактика муассасаларининг кенг тармоғи барпо этилган, ихтисослаштирилган ўсмирлар кабинетлари, шунингдек, даволаш-фельдшерлик пунктлари, стоматология кабинетлари мавжуд.

Республика, область, шаҳар ўсмирлар марказлари бу муассасалар фаолиятига ташкилий ва методик раҳбарликни амалга оширмоқда. Шу соҳадаги медицина хизматининг барча бўғини ишини республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг даволаш-профилактика ёрдами бош бошқармаси билан республика ўсмирлар маркази мувофиқлаштириб турибди. Марказда қирққа яқин ихтисос бўйича консультация уюштирилади, мураккаб диагностика бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Ўсмирлар кабинетларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, ихтисослашган ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, медицина ходимлари малакасини ошириб боришга алоҳида эътибор қилинмоқда. Болаларда кўз ва бошқа касалликлар олдини олиш, гигиена талабларига қатъий риоя этилишига эришиш ихтисослашган ёрдам хизмати кўрсатиш борасида асосий мезон бўлиб қолди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 256 та ўсмирлар кабинети ишлаб турибди.

Кейинги йилларда республикамизда балоғат бўсағасидаги йигит-қизларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги усуллари вужудга келди.

Ҳар йили куз мавсумида етакчи тиббий муассасаларнинг малакали мутахассислари, медицина олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларидан иборат сайёр консультация бригадалари тузилмоқда. Чунончи, ўтган йили Сирдарё ва Жиззах областларида 75 та шундай бригада ташкил этилди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик ишлари авж олиб кетган дамларда ҳар бир районда кўчма дорихона ва даволаш-фельдшерлик амбулаторияларн, баъзи жойларда ҳатто кўчма поликлиникалар ишлаб туради.

Халқаро ёшлар йили доирасида республикамизда амалга оширилаётган тадбирлар йигит-қизларнинг гоявий-сиёсий тарбиясини янада яхшилаб, меҳнат ва ижтимоий активлигини кучайтиради, уларнинг меҳнати, дам олиши, турмушини ташкил этишни такомиллаштиради. Шу маънода саломатликни сақлашда физкультура ва спорт билан шуғулланиш аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак. Ёш организмнинг физиологик хусусиятларига мувофиқ келадиган машқлар жуда зарур. Кунни эрталабки бадан тарбия машқларидан бошлаган маъқул. Бунда ота-оналар болаларга ўрнак бўлишлари лозим. Ахир болаларнинг соғлом бўлиб вояга етиши ана шунақа «икир-чикир»дан бошланиши сир эмас-ку.

Йигирма биринчи аср яқинлашмоқда. Ёшлардан ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳасида фаоллик кўрсатиб, тараққиётга, бугунги ва келажак авлод учун тинчликни сақлаб қолиш ишига жуда катта ҳисса қўшиш талаб этилади. Бугунги ўсмирлар ва болалар порлоқ келажагимизнинг актив бунёдкорларидир. Шу боис кун тартибига «Соғлом ёшлар — бизнинг энг яхши ворисларимиз», деган шиор қўйилгани бежиз эмас.

М. РИЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари.



КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!

«Олмазор» республикамиз пойтахтининг кенжа турар-жой районларидан биридир. Бу ерда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Замонавий уйлар, маданий-маиший объектлар, болалар муассасалари массив ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Буларнинг ҳаммаси ягона архитектура плани асосида қурилган.

Аҳоли массивни янада ободонлаштириш мақсадида баҳор юмушларини қизғин олиб бормоқда. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, хиёбонлар яратиляпти.



Суратларда: 1. «Олмазор» массивидаги кўп қаватли бинолардан бири. 2. Пенсионер Одил Турсунов ёш авлод билан ниҳол ўтказмоқда.

Ш. ҚУРБОНБОЕВ фотолари (ЎзТАГ).

Транспорт конвейери — «Совет Ўзбекистони» назоратида



ТАШКИЛОТЧИЛИК — МУҲИМ РЕЗЕРВ

АММО АЙРИМ КОРХОНАЛАРДА У ЭТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТИР

Ўрта Осиё темир йўли ҳодимларининг 1985 йилги социалистик мажбуриятларида халқ хўжалиги юклари ташиш планини муддатидан илгари бажариш, қўшимча 600 минг тонна юкни манзилга етказиш, юк оборотини минглаб тонна оширнб адо этиш кўзда тутилган. Шунингдек, юк ташиш ҳажмининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш мўлжалланган.

Социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган, фантехника тараққиёти ютуқлари, бригада пудратини жорий этаётган ва меҳнатни илмий асосда ташкил қилган кўплаб коллективлар катта марралар эгалланишига муносиб ҳисса қўшишяпти. Шу тариқа қиш ойларидаги қийинчиликлар юзага келтирган қолоқликка барҳам беряпти. Бу ишда уларга жойлардаги маҳаллий партия, совет ташкилотлари яқиндан ёрдам беришяпти.

Транспорт конвейери узлуксиз ишлашини таъминлашда юк қабул қилувчи корхона ва ташкилотларнинг роли катта. Бироқ баъзи министрлик ва идораларга қарашли корхоналар фаолиятидаги нуқсонлар юк ортиш-туширнш жараёнларини мураккаблаштирмоқда.

3 апрелда республика бўйича 5912 вагон бўшатилди. 82 вагон юк олувчилар айби билан станцияларда бекуда туриб қолди. Бу, аввалги кунларга нисбатан яхши кўрсаткич. Аммо Суперфосфат станциясида юзага келган аҳвол ташвиш туғдиради. Самарқанд химия заводи номига келган 24 вагон фосфор уни вақтида тушириб олинмади. Заводга эса яна 150 вагон юк жўнатилган. Улар ҳозир туташ станцияларда турибди. Айримлари эса ҳадемай манзилга етиб келади. Бу темир йўл иш маромига салбий таъсир кўрсатяпти.

Ульяново станциясида қаровсиз турган 3 вагон ёрдамчи материаллар «Джизакстрой» трести 346-механизациялашган кўчма колоннаси буюртмаси бўйича юборилган. Ҳа, бор-йўғи уч вагон. Аммо юк етиб келганидан буён уч кун ўтган бўлса-да, колонна вакиллари қораларини ҳам кўрсатишгани йўқ. Вақолонки, вагонлар етиб келганидан хабардор эдилар.

Шунингдек, Тошкент «Облремстрой»трести 1 вагон цементни, «Узбексельмаш» заводи ремонт-қурилиш бошқармаси 1 вагон цементни 2 кундан буён, «Чирчиксельмаш» заводи 3 вагон ускунани 2-3 кун давомида ҳам тушириб олмадилар.

РЕЗЕРВЛАРНИ САФАРБАР ЭТИШ, БУТУН КУЧНИ ТЎПЛАБ, ҚИЛИНМАЙ ҚОЛГАН ИШЛАРНИ БИТКАЗИШ ВА БЕЛГИЛАНГАН МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШ ЛОЗИМ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАРТ (1985 ЙИЛ) ПЛЕНУМИДА ҚЎЙИЛГАН БУ ТАЛАБ ТРАНСПОРТЧИЛАР, ШУНИНГДЕК ТЕМИР ЙЎЛДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲАМ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛМОҒИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ РЕЗЕРВИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР.

О. БОБОЖОНОВ.

СПОРТ

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● **ВЕЛОПОЙГА.** Фарғонада ўтказилган Ўзбекистон чемпионати якунланди. 54 километрли масофа бўйлаб группа пойгасида Ф. Галиулина маррада биринчи бўлди.

● **ГИМНАСТИКА.** Спорт гимнастикаси бўйича «Рига-85» халқаро мусобақасида иштирок этаётган тошкентлик И. Баракснова муваффақиятли куч синашмоқда. У спорт тўсинидаги ва эркин машқларни бажаришда иккинчи ўринни эгаллаб, брусьяда 19,663 балл билан ғалаба қозонди.

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб туради. Хоразм, Бухоро ва Навоий областларида ёғингарчилик бўлмайди. Қолган жойларда вақти-вақти билан қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши кутилади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-11, кундузи 15-20, жанубда 23 даражагача иссиқ бўлади. Шимолий районларда кечаси 3-8, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлиши мумкин.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади, кечаси 8-10, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

8—14 АПРЕЛЬ

8 апрель, душанба

МОСКВА I. 9.00 «Время». 9.40 Футбол шарҳи. 10.10 Эртак ҳузурида меҳмонда. 11.00 «Фронтдан салом!» Бадиий фильм. 12.15 Концерт. 12.45 ва 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар. 16.00 Онамларнинг мактаби. 16.30 Фильм концерт. 17.05 Горнчилар, қаердасиз! 17.35 Дўстлик альбомига. 18.45 Ишлар ва одамлар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Япония сиёсатидаги милитаристик тенденциялар. 19.45 Фан ва техника. 19.55 «Мамуре». Фильм-спектакль. 21.30 «Время». 22.05 «Мамуре» фильм-спектаклининг давоми. 23.00 Футбол шарҳи. 23.30 Дунё воқеалари. 23.45 Концерт.

МОСКВА II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Телефильм. 9.35 Ўқув программаси. 10.05 Рус тили. 11.05 Умумий биология. 11.35 «Қорқиз» операси. 12.05 Фан ва турмуш. 13.10 Табиатшунослик. 13.30 Тарих саҳифалари. 14.10 Ўқитувчига — мусиқа сабоғи. 15.10 Қизиқарли физика. 15.40 А. И. Герцен ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.25 Ўсимликлар олами. 17.10 ва 18.30 Янгиликлар. 18.50 Телефильм. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан 20.30 Хайрли тун кичкинтойлар. 20.45 Гандбол. Европа чемпионларининг кубоги. 21.15 Хор ижро этади. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳар уч кишидан бири». Бадиий фильм. 23.20 Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ I. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Мультфильмлар. 18.15 Пионерлар мамлакатида. 18.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 19.15 Агар соғлом бўлай десанг. 19.30 «Ахборот». 19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Павана мавра» балети. 21.30 «Время». 22.05 Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Веором кун». Бадиий фильм. 23.35 Янгиликлар.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 17.15 Москва II. 18.20 Қизиқарли математика. 18.50 Телефильм. 19.10 Ҳужжатли фильм. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Қария». Бадиий фильм. 21.30 Москва II.

9 апрель, сешанба

МОСКВА I. 9.00 «Время». 9.40 Горнчилар, қаердасиз! 10.10 «Мамуре». Фильм-спектакль. 12.35 ва 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлер. 16.25 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 16.35 Киноочерк. 16.50 Халқ куйлари. 17.10 Ерда, самода ва денгизда. 17.40 «Вемавриду». Телефильм. 18.05 Ўқувчиларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. П. Девятаев билан учрашуви. 18.40 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Фан ва турмуш. 20.00 Фильм-концерт. 20.30 «Ғалаба стратегияси». 7-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Ёзувчи ва замон. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Концерт.

МОСКВА II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Телефильм. 9.35 Ўқув программаси. 10.05 Француз тили. 11.05 Эстетик тарбия. 11.35 Музика. 12.05 Шахмат мактаби. 13.10 Табиётшунослик. 13.40 Совет тасвирий санъати. 14.40 Уч иттифоқчи давлат раҳбарларининг 1943 йил Теҳрон конференцияси ҳақида. 15.40 Телефильм. 16.30 Кинотомошабин ҳамроҳи. 17.15 ва 18.30 Янгиликлар. 18.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.30 Қишлоқ янгиликлари. 20.30 Хайрли тун. кичкинтойлар. 20.45 Халқаро панорама. 21.30 «Время». 22.05 Футбол. «Шахтёр» — «Динамо» (Киев). 23.45 Рассомлар ҳақида ҳикоялар.

ТОШКЕНТ I. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 Футбол. «Пахтакор» — «Ротор» (Волгоград). 20.15 Ўсимликларнинг қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларидан ҳимоя қилиш. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Партия турмуши. 22.35 «Ҳаётнинг бошланиши». Бадиий фильм. 23.55 Янгиликлар.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 17.20 Москва II. 18.20 Биология. 18.50 Телефильм. 19.20 Врач маслаҳати. 19.30 Телефильм. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Ҳужжатли фильм. 20.40 Эстетика асослари. 21.20 Телефильм. 21.30 Москва II.

10 апрель, чоршанба

МОСКВА I. 9.00 «Время». 9.40 «Ғалаба стратегияси». 7-фильм. 10.40 Биргаликда аҳил оиламиз. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Телефильм. 12.30 Тасвирий санъат. 13.15 ва 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар. 16.05 Концерт. 16.25 Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.00 Концерт. 17.20 Тарих саҳифалари. 18.05 Концерт. 18.35 Мультфильм. 18.45 Телефильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Қувноқ нотачалар. 19.45 Дунё ва ёшлар. 20.20 Телефильм. 20.30 «Афсона шундай бошланган». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 22.25 Валет ҳақида. 23.30 Дунё воқеалари. 23.45 Спорт ҳафталиги.

МОСКВА II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Телефильм. 9.35 Жамиятшунослик. 10.05 Немис тили. 11.05 Умумий биология. 11.35 Тарих. 12.05 Онамларнинг мактаби. 13.10 Ўқув программаси. 14.10 Қизиқарли физика. 14.40 Илмий-оммабоп фильм. 14.55 Совет адвокатурасининг иши ҳақида. 15.40 Улуғ Ватан уруши йилларида драматургия. 16.25 Чашмалар. 16.50 ва 18.30 Янгиликлар. 18.50 Музикали киоск. 19.20 «Ўзингга буюр». Бадиий фильм. 1-серия. 20.20 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 Социалистик экономиканн бошқариш. 21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 «Қишлоқда содир бўлган воқеа». Телеспектакль. 23.35 Пойтахт гастролларида.

ТОШКЕНТ I. 10.00 «Ахборот». 10.20 Расул Гамзатов ижоди ҳақида. Телефильм. 11.30 Физика. 12.00 Санъат ғунчалари. 12.30 Рус адабиёти. 13.00 ва 18.00 Янгиликлар. 18.15 Қўғирчоқ фильм. 18.30 Шоирлар — болаларга. 19.00 Телефильмлар. 19.30 «Ахборот». 19.45 Экиш: суръат ва сифат. 20.05 Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Номингни унутма». Бадиий фильм. 23.55 Янгиликлар.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 16.55 Москва П. 18.20 Телефильм. 18.35 Халоскор совет жангчиси. 19.40 Ҳужжатли фильм. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Эстетика асослари. 21.00 Бунёдкорлик уфқлари. 21.30 — Москва II.

11 апрель, пайшанба

МОСКВА I. 9.00 «Время». 9.40 Ўқувчиларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. П. Девятаев билан учрашуви. 10.15 «Афсона шундай бошланган». Бадиий фильм. 11.15 Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.15 Фильм-концерт. 12.45 ва 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар. 16.10 Ўсмирлар ижоди. 16.40 Шахмат мактаби. 17.15 Арфа квартети чалади. 17.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.15 Концерт. 18.35 Мультфильм. 18.45 Миллионлар ленинча университети. 19.15 Концерт. 20.00 Футбол. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Москва). 21.30 «Время». 22.05 Телефильм. 23.05 Дунё воқеалари. 23.25 Концерт.

МОСКВА II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Табиатшунослик. 10.05 Испан тили. 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 Зоология. 12.00 Илмий-оммабоп фильм. 12.10 Оила ва мактаб. 13.05 Улуғ Ватан уруши даври адабиёти. 14.05 Ж. Свифт ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.05 «Яширин овоз бериб». Бадиий фильм. 16.30 ва 18.30 Янгиликлар. 18.45 Концерт. 18.55 Қўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 19.25 «Ўзингга буюр». Бадиий фильм. 2-серия. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 Ю. А. Жуков суҳбати. 21.20 Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 23.30 Мотобол бўйича СССР кубоги.

ТОШКЕНТ I. 10.00 «Ахборот». 10.20 Кинопрограмма. 11.30 Зоология. 12.00 «Бойчечак». 12.30 ва 18.00 Янгиликлар. 18.10 Тенгдошларинг ижодидан. 18.45 «Ёшлик». 19.10 Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот». 19.45 Концерт. 20.15 Чорвачилик — зарбдор фронт. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сиёсий фильмлар Халқаро симпозиуми. 23.15 Янгиликлар.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 16.35 Москва II. 18.15 «Кадр ортида» қисқа метражли бадиий фильмлар. 19.00 «Бош конструктор». Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Кинопрограмма. 21.30 Москва II.

12 апрель, жума

МОСКВА I. 9.00 «Время». 9.40 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.10 «Ўзингга буюр». Бадиий фильм. 1-2 серияли. 12.15 Ўсмирлар ижоди. 12.45 Концерт. 13.10 ва 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильм. 16.10 Концерт. 17.05 Рус тили. 17.35 Таллиннинг музикали манзаралари. 18.00 Подмосковьенинг агросаноат комплекси. 18.30 Қалбга яқин қўшиқлар. 19.00 Ҳужжатли фильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Концерт. 20.20 «Ғалаба стратегияси». 8-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 23.35 Дунё воқеалари.

МОСКВА N. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35 Тарих. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Эстетик тарбия. 11.40 Тарих. 12.10 А. Прокофьев поэзияси. 13.10 Физика. 13.40 Умумий биология. 14.40 Вил ва уддала. 15.10 А. П. Чехов. «Ваня тоға». 15.55 Санъат — жасоратлар солномаси. 16.20 ва 18.30 Янгиликлар. 18.50 Ўқитувчига музика сабоғи. 19.50 Ритмик гимнастика. 20.20 Киножурнал. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 Ҳамдўстлик. 21.15 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Телевизион бадиий фильм.

ТОШКЕНТ I. 10.00 «Ахборот». 10.20 Шаталовнинг парвози. Телефильм. 11.00 «Қорқиз» спектакли. 12.00 Телефильм. 12.30 Биология. 13.00 ва 18.00 Янгиликлар. 18.15 Қўғирчоқ фильм. 18.30 «Ёшлик». 19.00 Анъаналар ва замонавийлик. 19.30 «Ахборот». 19.45 Қизиқарли учрашувлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Бўстон» фольклор ансамбли. 21.30 «Время». 22.05 Дунё воқеалари. 22.35 «Вахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 16.25 Москва П. 18.20 Ўқитувчилар учун консультация. 18.50 Телефильм. 19.00 «Бош конструктор». Бадиий фильм. 2-серия. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Меҳнат интизомини мустаҳкамлайлик. 20.50 Телефильм. 21.05 Қишлоқ ҳаёти. 21.30 Москва II.

13 апрель, шанба

МОСКВА I. 9.00 «Время». 9.35 «Ғалаба стратегияси». 8-фильм. 10.45 «АБВГДейка». 11.15 Концерт. 11.30 Телефильм 11.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутунроссия бадиий кўргазмаси. 12.15 «Ўртоқ қўшиқ». 13.10 Мардлик қонунига биноан. 13.40 Оила ва мактаб. 14.10 Калугада шундай чорраҳа бор. 15.10 Камалак. 15.35 Дунё воқеалари. 15.50 «Вир бор танланган йўл». 2-фильм. 16.50 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати. 17.20 Мультфильм. 17.45 Телефильм. 18.40 Ҳайвонот оламида. 19.40 Ветеранлар, сизлар учун. 20.30 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 Янгиликлар. 23.30 А. Пугачёва куйлайди.

МОСКВА II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 Концерт. 10.15 Сиз яратган боғ. 10.45 Тонгги почта. 11.15 Шоирлар Маяковский ҳақида. 12.30 Молдавия телевидениесининг программаси. 14.00 Саёҳатчилар клуби. 15.30 Дебют. 16.00 Концерт. 17.00 «Қизлар-оналар». Бадиий фильм. 18.35 Музикали кўрсатув. 19.05 Мультфильмлар. 19.30 Здоровье. 20.15 Халқаро обзор. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Музикали мозаика. 21.15 Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 23.25 Сиз бунга қодирсиз.

ТОШКЕНТ I. 10.00 «Ахборот». 10.25 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар. 11.05 Фильм-концерт. 11.30 Шахмат мактаби. 12.00 Иқтисодий эксперимент кенг қулоч ёймоқда. 12.30 Бахши шоирлар телевизион конкурси. 13.30 Ўқитувчи — мактаб ислоҳотини амалга оширишда асосий фигура. 14.00 Кинередакция почтасидан. 18.20 Мультфильмлар. 18.40 Мўъжизалар оламига саёҳат. 19.30 «Ахборот». 19.45 Цирк! Цирк! Цирк! 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Дўстлик тароналари.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

14 апрель, якшанба

МОСКВА I. 9.00 «Время». 9.35 Ҳужжатли фильм. 9.55 Спортлото. 10.05 Будильник. 10.35 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 Здоровье. 12.20 Тонгги почта. 12.50 Совет тупрогидаги учрашувлар. 13.05 Қишлоқ янгиликлари. 14.05 Мусиқали киоск. 14.35 Бугун — Ҳаво ҳужжатли мудофаа қўшинлари куни. 14.50 Концерт. 15.35 Мультфильмлар. 15.50 «Рус масаласи». Телеспектакль. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 СССР халқ артисти К. Шульженко концерти. 20.30 Саёҳатчилар клуби. 21.30 «Время». 22.05 Сан-Ремо фестивалида. 23.10 Телеочерк. 23.50 Янгиликлар.

МОСКВА II. 9.00 Зарядкага сафланинг. 9.20 Киножурнал. 9.30 Ритмик гимнастика. 10.00 Рус тили. 10.30 Концерт. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 11.20 Концерт. 12.00 Мўъжизасизмўъжизалар. 13.00 «Улуғ Ватан уруши». 16-17-фильм. 14.40 Фильм-концерт. 15.25 Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 15.55 «Камалак». 16.20 Юмор кечаси. 17.40 Мультфильм. 17.50 Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари. 18.55 «Эрта тонгда». Бадиий фильм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Телефильм. 20.55 Дунё ва ёшлар. 21.30 «Время». 22.05 Мотобол бўйича СССР чемпионати. 22.30 Футбол «Динамо» (Тбилиси) — «Арарат».

ТОШКЕНТ I. 10.00 «Ахборот». 10.25 «Буни биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм. 12.00 Ўзбекистон спорти. 12.30 Музика истиқболи эгалари. 13.15 Адабий кўрсатув. 14.00 Реклама. 18.15 Қўшиғим, жон қўшиғим. 18.50 Экиш кундалиги. 19.15 Бугун — мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 19.30 «Ахборот». 19.45 Ғалабанинг 40 йиллигига ва республика комсомолининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий-спорт байрами. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Қалбим самода». Бадиий фильм.


ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

РАДИО

8 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Яхши кайфият. 9.15 «Фрунзевец» газетасининг обзори. 9.20 Концерт. 9.30 Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 Ўзбекистан индустриальний. 13.00 «Чорвадор». 14.00 Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш 15.40 Очерк. 16.00 Дўстларимиз овози. 17.00 Мактаб ўқувчилари учун эшиттириш. 18.15 Халқаро кундалик. 18.30 «Бойчечак». 18.40 Қудратимиз — дўстликда. 19.25 Концерт. 19.40 «Инсон ва қонун». 20.50 Ҳозирги босқичда гоявий кураш. 21.00 Ғазал бўстони. 21.20 Концерт. 22.30 Қўшиқлар. 23.30 Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 11173. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. — 82. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12